

Наманган тумани Халк таълими бўлими 31- урта мактаб биносини жорий таъмирлаш  
ишларини бажариш бўйича  
№ 25 - сонли пудрат

**Ш А Р Т Н О М А С И**

«12» октябрь 2022 йил

Наманган тумани

Наманган тумани Халк таълими бўлими номидан низом асосида иш юритувчи раҳбари Н.Юлдашов бир томондан (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) ва ООО ZUXRIDDIN LIGHT номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар Т. Асқаров иккинчи томондан (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**I.Шартнома мавзуси**

1.Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги Наманган тумани Халк таълими бўлими 31-урта мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофик объектларни жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II.Умумий шартлар**

1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдиқланган (Ф-2,Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тулов учун тақдим этилади.

2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3.Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4.Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса Пудратчи қамчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

**III.Пудратчининг мажбуриятлари**

1.Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш.

2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:

3.Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарактни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4.Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

6. Таъмирлаш давомида лойҳа смета ҳужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

**IV.Буюртмачининг мажбуриятлари**

1.Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3. Шартнома бўйича Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини 2022 йил октябрдан 2022 йил декабрь ойигача тулик бажаради

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

#### **V. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар**

1. Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси 4795396 ( Турт миллион етти юз туксон беш минг уч юз туксон олти ) сўм (ҚҚС билан ) этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов, тендер савдолари натижасида аниқланган катъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш ҳақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг 30 фоиз миқдорда 1438619 ( Бир миллион турт юз уттиз саккиз минг олти юз ун туккиз сум) аванс ўтказди, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 30 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини белгиланган кунга қадар тўлик бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

#### **VI. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдорда пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишининг ёки хизматлар кўрсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

#### **VII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### **VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

холда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

### IX.Шартномани бекор қилиш

1.Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2.Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3.Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда,

4.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қуйилганда, конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга .

5.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6.Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида тутилган ҳоллар бундан мустасно..

### X.Алоҳида шартлар

1.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари ўз қучини йукотади.

2.Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3.Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун нормалари қўлланилади.

5.Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусxada тузилди. « Буюртмачи » ҳамда « Пудратчи » томонидан тасдиқлангандан ва Газначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик қучга қиради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

**ООО ZUXRIDDIN LIGHT**

(товар, хизмат курсатувчи номи)

Манзил: Чортоқ туман Короскон  
шахарча Мустақиллик МФЙ.Нурли  
кучаси № 39  
Тел: 93-783-38-88  
х/р 20208000605052554001  
ТИФ \_\_\_\_\_  
МФО:00256,  
СТИР: 306317027



МЧК раҳбари:

Т.Аскарлов

**Наманган туман Халқ таълими бўлими**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил:Кичик Тошбулок МФЙ

Тел./факс: 69-4721675  
Шхв:100022860142127092100075048  
Бюджетдан маблағ олувчи СТИР:200081909  
ОКОНХ: 97600

Газначилик бўлинмаси номи: Уз.Рес. Молия  
Вазирлиги Газначилиги  
Газна Халқ таълими бўлими 02000300100001010  
Бандишнинг номи: Тошкент ш Марказий банк ХККМ  
МФО: 00014 СТИР: 201122919



Раҳбар:

Н.Юлдашов


**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

UG0717115452

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: "Zuxriddin Light" MChJ va Namangan xalq ta'lim bo'limi o'rtasida 4 795 396 so'mlik pudrat shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Namangan tuman xalq ta'limi tomonidan 12.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Namangan tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**U.A.HOMIDOV**

12.10.2022

"ТАСНИКЛАРМАН"  
 Наманган тумани ҳалқ таълими бўлими мудири  
 А.Собиржонов  
 2022 йил

Наманган тумани халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасаларини 2022 йил референдум ўтказилиши муносабати билан қурилиш таъмирлаш ишлари учун ажратилиши лозим бўлган маблағларнинг МАНЗИЛЛИ РУЙХАТИ.

"КЕЎДИНҚИЛДИН"  
 Наманган тумани ҳалқ таълими бўлими ўринбосари  
 Раҳманов  
 2022 йил

№	Ташкилот номи	Ташкилот манзили	Қурилган йили	Қуввати	Бажоратлаган иш (хизмат)нинг мазмуни	Талаб этилаётган	Изоҳ
						маблағ	
Наманган тумани халқ таълими бўлимига жами							
1	3-мактаб	Қумбўртон МФЙ	1966	900	Ўқув биносини фасад қисмини ва хожатхона биносини қисман таъмирлаш	102,0	
	4-мактаб	Қирғизқўртон МФЙ	1989	420	Ўқув биносини иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш	105,0	
2	7-мактаб	Қайқовус МФЙ	1991	360	Хожатхона биносини жорий таъмирлаш	10,0	
3	20-мактаб	Ҳужақийшлок МФЙ	1969,2007	620	Бошланғич ўқув биносини фасад қисмини жорий таъмирлаш	7,5	
4	25-мактаб	Миришкор МФЙ	1993	624	Ташқи ёритиш чирокларини ўрнатилиш ҳамда йўлақларни таъмирлаш	123,0	
5	27-мактаб	Меғллаҳовуз МФЙ	1976	1315	Хожатхона биносини жорий таъмирлаш	13,5	
6	31-мактаб	Қўжон қишлоқ МФЙ	1964,2018	330	Хожатхонанинг фасад қисми ҳамда нактабнинг дивор қисмини жорий таъмирлаш	5,5	

Изоҳ: Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишда чўқилганидан кейин маблағларга аниқлик кирдилади.

Наманган тумани халқ таълими бўлими мудири  
 Наманган тумани халқ таълими бўлими бош хисобчи  
 Наманган тумани халқ таълими бўлими қурилиш бўлими муҳандиси  
 Наманган тумани халқ таълими бўлими қурилиш бўлими мутахассиси

Н.Юлдашев  
 К.Муродов  
 Р.Раҳманов  
 М.Бойқедаев

МЛН СУМ

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

12 октябр 2022 йил

Наманган тумани

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган туман халқ таълими бўлими томонидан 2022 йил 07 октябрдаги 154850-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари тўғриси» даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган туман халқ таълими бўлимига қарашли 31-умумтаълим мактаб биносида жорий таъмирлаш ишлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари тўғриси» даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «ZUXRIDDIN LIGHT» МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачи

ташкilotи раҳбари:

Давлат буюртмачи

ташкilotи бош ҳисобчиси:



Н.Юлдашов.

К.Мурадов.

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 154850 на приобретение 31-мактаб жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 07.10.2022

Время рассмотрения 07.10.2022 16:02

Закупочная комиссия Наманган тумани Халк таълими булими-марказлашган, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	YULDASHOV NODIRJON NORMATJONOVICH	Наманган туман ХТБ бошлиғи	Наманган туман ХТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	ISAKOV DONIYOR MUKTARALIYEVICH	Коммисия котиби	Наманган ХТБ
<b>Член комиссии</b>	MAKSUDOV VALIJON NABIDJANOVICH	23 Maktab derektori	Наманган туман ТТБ
<b>Член комиссии</b>	ERGASHEV OLIMJON ABDUSATTOROVICH	23 Maktab xojalik Mudiri	Наманган туман ТТБ
<b>Член комиссии</b>	NURMATOV SOBIRJON ADASHBAYEVICH	коммисия аъзоси	Наманган туман ХТБ
<b>Член комиссии</b>	BOYDEDAYEV MIRZAVALI SATTAROVICH	Коммисия аъзоси	Наманган тумани ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.10.2022 года № лота 154850.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	31-мактаб жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	4 795 396.00
Стартовая сумма	4 795 396.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этиш истагида бўлганлар талабгорлар лойиҳа смета хужжатлари, экспертиза хулосаси ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилаётган қурилиш объекти билан тўлиқ танишиб чиқиши, ўзининг проекти (чизмаси)ни тегишли давлат идораларидан тасдиқлатиши. Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари). Танлов иштирокчилари фақатгина ташкилот раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахс (ишончнома асосида) бўлиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжатлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZUXRIDIN LIGHT</b>	25	4795396	20	Экспертная		
<b>JAVOXIR CHORTOQ MO'JIZASI MCHJ</b>	25	4795396	22	Экспертная		

Критерий №2 Пудратчининг ишларни олиб бориш жараёнида фойдаланиладиган асбоб ускуналар ва механизмлар рўйхати. Пудратчининг техникалари мавжудлиги тугрисида маълумот, Корхонанинг ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар. Такдим этилган кафолат хатида бажарилган ишларга кафолат, ҳамда белгиланган муддат ичида қилинган ишлардан нуқсонлар ва камчиликлар аниқланса Пудратчи ташкилотнинг ҳисобидан алмаштирилиши ва қайта таъмирлаб берилиши инobatга олиниши шарт. Танлов қатнашчисининг пакетида талаб этилган ҳужжатлар бўлиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ҳужжатлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZUXRIDIN LIGHT</b>	25	4795396	22	Экспертная		
<b>JAVOXIR CHORTOQ MO'JIZASI MCHJ</b>	25	4795396	20	Экспертная		

Критерий №3 Таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати билан қатнашмоғи лозимКорхонанинг шу даврга қадар бир йиллик пул маблаглари айланмаси тўғрисида банкдан маълумот. Танлов савдо иштирокчининг молиявий ҳолати, охириги молиявий ҳисобот натижалари иловаси билан Форма № 1, ва Форма № 2 шакллари, Малакали ишчиларнинг буйруқ асосида ишга олинганлиги тўғрисида маълумот ва буйруқ нухаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ҳужжатлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZUXRIDIN LIGHT</b>	25	4795396	22	Экспертная		
<b>JAVOXIR CHORTOQ MO'JIZASI MCHJ</b>	25	4795396	20	Экспертная		

Критерий №4 Солиқ инспекциясидан маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: QR код билан тасдиқлангани (Эълон жойлаштирилган муддатда)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZUXRIDIN LIGHT</b>	25	4795396	25	Экспертная		
<b>JAVOXIR CHORTOQ</b>	25	4795396	20	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MO'JIZASI MCHJ						

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
JAVOXIR CHORTOQ MO'JIZASI MCHJ	4 795 396.00	4 795 396.00 UZS	4 795 396.00	00.00	4 795 396.00	06.10.2022 21:06:31	20
ООО ZUXRIDDIR LIGHT	4 795 396.00	4 795 396.00 UZS	4 795 396.00	00.00	4 795 396.00	06.10.2022 20:52:14	20

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
JAVOXIR CHORTOQ MO'JIZASI MCHJ	65.6	20	85.6
ООО ZUXRIDDIR LIGHT	71.2	20	91.2

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 154850 от 07.10.2022 года на приобретение 31-мактаб жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО ZUXRIDDIR LIGHT  
306317027

и резервный исполнитель: JAVOXIR CHORTOQ MO'JIZASI MCHJ (306260259)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	YULDASHOV NODIRJON NORMATJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAKSUDOV VALIJON NABIDJANOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ERGASHEV OLIMJON ABDUSATTOROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NURMATOV SOBIRJON ADASHBAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BOYDEDAYEV MIRZAVALI SATTAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП